



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 27-avgust. Payshanba • 100-101 (32.004)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди



Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг фидокорона меҳнати тўғрисида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишда. Барча шаҳару қишлоқларимизда кенг қўлланган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳолининг ҳаёти сифати юксалиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда. Буни Нукус, Ургач, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг бугунги жамоли мисолда яққол кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида янги сановат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қуриб битказилди. Истиқлол йилларида шаклланиб келган эзгу анъанага кўра, уларнинг аксарияти энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент — мамлакатимиз тисоли, бетакор Ватанимиз кўру таровати, мустақиллик йилларидаги тараққиётни ўзидан муассам этган азим пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жойбасини сақлаган ҳолда янгилашиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Миллий меъмورлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган турар-жойлар, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига қўлай шароит яратмоқда.

Маълумки, асрлар давомида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида уйлар пала-партиш қуриб келинган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Одамларнинг муносиб турмуш кечириши учун мутлақо шароит йўқ эди. Бу ҳолат замонавий мегаполисга айланиб бораётган, автомобиллар сони тобора кўпаяётган пойтахтимиз қиёфасига ярашмай турган эди.

Президентимиз ғояси асосида Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, мазкур ҳудудни замонавий шаҳарга айлантириш бўйича кенг қўлланган бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўللар қурилди. Жорий йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесилган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги йўللар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этиш, аҳолининг яшashi ва дам олиши учун қўлай шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг қўлланган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қўлайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини енгилаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди. Бугунги кунда Нурафшон кўчаси бўйида кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Президентимиз янги қурилган мазкур турар-жой биноларини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар-жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерда 160 хонадондан иборат бешта беш қаватли уй қуриб битказилди. Йил охиригача фойдаланишга топшириладиган 246 хонадонли яна ўн та турар-жой қурилиши давом этмоқда.

Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Инсонларга ҳар томонлама қўлайлик яратишга қаратилган эътибор уйларнинг зинасидаёқ кўзга ташланади. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ҳар бир зинапоёнинг баландлиги оdatдаги 15 сантиметрдан 12 сантиметрга, нишаблиги 27 градусдан 21 градусга пасайтирилган. Бу одамлар, айнакса, кексалар учун катта енгилик яратган.

Уйлар бир, икки, уч ва тўрт хонали қилиб қурилган. Хонадонлар кенг ва ёруғ. Масалан, икки хонали уйнинг умумий майдони 70-80, уч хоналиники 90-100 квадрат метрни ташкил этади. Шифтларнинг баландлиги 3 метр бўлиб, бу уларнинг баҳаво бўлишини таъминлайди. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси яшаш ва фойдаланиш учун ҳар томонлама қўлай.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

Турар-жойларни қуришда инсон ман-

фаатларини инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислон Каримов. Унда яшайдиганлар ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Айниқса, аёлларимиз учун зарур шароит ва қўлайликлар яратиш даркор.

Хонадонларни жойлаштиришда ҳам халқимизнинг турмуш тарзи, оилалар таркиби инобатга олинган. Президентимизнинг тавсиясига биноан ҳар бир уйнинг биринчи қаватида кексалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар ва уларнинг рўпарасида фарзандлари учун 3-4 хонали хонадонлар қурилган.

Табаррук қарияларимиз доимо фарзандлари ёнида бўлишини хоҳлайди. Шу жиҳатдан, ёш оила ва кексаларимиз учун алоҳида ҳамда ёш-ёш хонадонлар ташкил этганимиз барчага маъқул келади. Нуруний отахону онахонлар фарзандлари, набираларидан, улар ҳам ўз ота-оналари ҳолидан хабардор бўлиб туради, бир ҳовлида яшагандек хотиржам ҳаёт кечиради, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, кўёш нурунинг тушишгача ҳисобга олинган. Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти илмий ходимлари томонидан йил ва кун давомида кўёш ҳудуднинг қайси нуқталари устидан ўтиши аниқланган. Шунга асосан уйлар кўёш нури хоналарга 2,5-3 соат тушадиган қилиб жойлаштирилган. Бу ёзда уйнинг иссиб кетмаслиги, кўёш жанубда бўлган қиш мавсумида эса уларни иситишни таъминлайди.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини индивидуал бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар қил узокликда қурилган ва оралиқ масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шамол айланишини яхшилади.

Турар-жойлар орасида майсозорлар барпо этилган. Манзарали дарахтлар, райхонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари турар-жойларда аҳоли учун қўлайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз ҳар соҳада улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Одамларимиз мана шундай обод ва замонавий уй-жойларда яшамокда. Ҳамма ишларимиздан максимал-муддао ҳам аслада шу — одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришдир, деди Президентимиз.

Истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:



Ганиева Суйима Ганиевна
— Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри



Санакулов Кувондик
— «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори, Навоий вилояти



Тополтдиёв Таваккал Темирович
— «Нуруний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси



Ҳосилов Аваз
— Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиги, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлитимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, сановат, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

► Давоми 3-4-бетларда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маданий кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2015 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 130 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 254 730 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 254 730 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 156 310 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақи нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2015 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республи-

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари

ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли Фармони (6-банди ис-тисно қилинган ҳолда) 2015

йилнинг 1 сентяб-ридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҶҲҲТ ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ,
САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА
ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГҲҲҲНИ МУКОФОТЛАШ
ТҲҲҲИСИДА**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНЪАТ АРБОБИ»**

Тошмуродов Маҳмадёр Эргашевич — Камолитдин Бухзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ АРТИСТИ»**

Азизов Мирзажон Мамажонович — Муқимий номидаги Ўзбек давлат музика театри актёри
Алимов Самандар Чориевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти
Усмонов Рамиз Бекназарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ БАХШИСИ»**

Умиров Расул Қараевич — Сурхондарё вилояти Музаббот туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги ишчиси, бахши

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ УСТАСИ»**

Иноғомов Ҳакимжон Ёқубович — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси ганчкор устаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ҲҚИТУВЧИСИ»**

Ҳолиқова Одинахон Носировна — Фарғона вилояти Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ҳқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ҲОФИЗИ»**

Эрматов Машраб Эргашевич — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, ҳофиз

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН АРТИСТ»**

Абдуллаева Раиса Ураимова — Жиззах вилоят музикали драма театри актёри
Галахов Олег Викторович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри
Давлатова Олеса Владимировна — «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси артисти
Жўраева Ёқутхон Маъмуровна — Кўқон шаҳар музикали драма театри актёри
Қобилова Зиёда Уткировна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси
Мўминова Зулхумор Аноркуловна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри
Назарова Нгархан Кеунимжаевна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли балет артисти

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ЁШЛАР
МУРАББИЙИ»**

Жуллilieva Дилором Нурмаматовна — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ҳқитувчиси
Қурбанбаева Зейнеп Ҳожабаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли тумани Таҳиятош энергетика касб-хўнар коллежининг махсус фан ҳқитувчиси
Солиқонов Йўлдошхўжа — Фарғона давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Султонов Нурали Шодмонович — Қашқадарё вилояти «Насаф» футбол мактаби катта мураббийи
Тешабоева Одинахон Дилмуродовна — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ҳқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»**

Есмурзаев Базарбай Кенгесбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон» телеканали «Хабар» муҳарририяти шарҳловчиси
Отабоев Аҳмад — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири
Рўзиев Шерзод Ташкентович — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси «Тошкент» телерадиоканали «Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар» муҳарририяти бош муҳаррири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ
ХОДИМИ»**

Авазхўжаев Анвар Ҳожимуродович — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси телеоператори
Бегимкулова Замира Латифовна — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси «Ўзбектеlevision» студияси сахналаштирувчи режиссёри
Музаффарова Саодат Ҳайдаровна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ҳқитувчиси
Насимов Ҳилол Тўлқинович — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри
Раҳимжонов Нўмон Каримович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ХОДИМИ»**

Ососков Александр Владимирович — Республика онкология илмий маркази таркибидаги Республика рентген-радиология маркази мудири
Йўлдошев Набижон Пиримович — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

Ибрагимов Қахрамон Сулаймонович — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийи
Ҳалимов Латиф Юсуфович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи
Умаров Фахриддин Жабборович — Тошкент шаҳар 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг таэквондо бўйича мураббийи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**

Бойқўзиев Жасур Тавбаевич — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Тасмуратов Елмурат Зулипхор-ули — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

Йўлдошева Раъно Болтаевна — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ҳқитувчиси
Каримов Раҳматулла Тошбаевич — Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ҳқитувчиси
Мирзааҳмадова Гавҳаржон Мирзаакрамовна — Наманган вилояти Косонсой педагогика коллежининг махсус фан ҳқитувчиси

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Абдуқодирова Саломат Маҳкамовна — Тошкент вилояти Охангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ҳқитувчиси
Ашуров Ҳотам Бахронович — ЎзФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директори
Эгамбердиев Курбон — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси
Искандарова Раъно Ибодуллаевна — Хоразм вилояти Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси «Ғалаба» қишлоқ врачлик пункти мудири
Қобилов Насрулла Қўқорович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти
Миршарипов Ҳабибулло Йўлдошевич — Фарғона вилояти Фарғона транспорт касб-хўнар коллежининг махсус фан ҳқитувчиси
Ортиқбоев Аминбой Ўрозбаевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири
Содиқов Абдувоҳид — Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори — вилоят бош фтизиатри
Тулатов Баҳодир Аҳмедович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳандиси ўринбосари
Ҳошимов Шухрат Хуршидович — Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош шифокори
Ҳайдаров Меҳриддин Икромович — Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ҳқитувчиси
Шоқодиров Рустам Исрофилович — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси Тошкент телемаркази гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

Отабоев Алимжон Жуманазарович — Республика қўғирчоқ театри актёри
Қутлимуратова Феруза Қалбаевна — Нукус «Она ва бола скрининги» маркази бўлим мудири, генетик-шифокор
Маманазаров Курбон Мамаражабович — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири
Нурова Зайнаб Эргашевна — Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси
Эминов Баҳодир Жўраевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими мудири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Алиббеков Адҳамбек Камолович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби
Аҳимбетова Гулбахар Канатбаевна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ҳқитувчиси
Жумаев Шариф Каримович — Сирдарё вилоят музикали драма театри актёри
Каримова Севар Абдулазизовна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи
Мамедов Мобил Якуб ўғли — Республика озарбайжон миллий-маданий маркази раиси
Маҳмудова Ҳикоят — «Мозийдан садо» журнали бўлим муҳаррири
Насриддинов Алишер Шоасилиевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом
Низомиддинов Ҳайитали Маматқулович — Республика сатира театри актёри
Сетян Мартин Вараздатович — Республика арман миллий-маданий маркази раиси
Тангриев Лазиз Хўшбақович — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори
Туркина Анна Владимировна — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг Давлат хор капелласи бадий раҳбари
Умаров Баҳодир Зокирович — «Маънавият» нашриёти бош муҳаррири
Умарова Бақтигул Сериковна — Навоий вилояти КониMex туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ҳқитувчиси
Уринов Эсонбой — «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи
Халмурзаев Альберт Шарифович — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри
Шокин Дмитрий Александрович — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Юнусов Салават Идрисович — «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси ижодий гуруҳ бошлиғи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдувоитова Гулчехра Имонкуловна — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ҳқитувчиси
Абдурахмонов Бекзод Маҳмаджонович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Акрамхўжаева Феруза Фанихўжаевна — Ўзбекистон давлат табиат музейи табиатшунослик бўлими катта илмий ходими
Алиева Дилдорхон Юнусовна — «Жаҳон адабиёти» журнали катта корректори
Алимова Сабоҳат Зарифовна — Сурхондарё вилояти Термиз санъат коллежи халқ чолғулари кафедраси ҳқитувчиси
Алланазарова Қизилгул Толибаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Қанлиқўл тумани тиббиёт бирлашмаси «Алтинқўл» қишлоқ врачлик пункти мудири
Алланбаев Рудакий Оринбаевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси катта ҳқитувчиси
Аҳмадалиева Гулноз Икромовна — Олимпия шоншухрати музейи бош муҳофизи
Очилова Манзура Шералиевна — Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қошидаги академик лицей математика фани ҳқитувчиси
Бобоев Абдунаби — «Қуч — адолатда» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири
Воронина Екатерина Александровна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Галактионов Валерий Владимирович — «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси артисти
Ерходжаев Нажиmiddин Сирожиддинович — Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири
Жуманиёзова Раъно — Республика Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши тумани бўлими тарғиботчиси
Зарипова Меҳрибон Абдурахмоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси Бухоро вилоят телерадиокорпорацияси катта муҳаррири

Зиёддинов Шавкат Нажиmiddинович — Республика Маънавият тарғибот маркази Қўшработ тумани бўлими тарғиботчиси

Ибрагимова Малоҳат Воҳитовна — «Ҳқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи катта корректори
Исамединова Юлдузой Ибражановна — Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 5-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори
Қабиров Саидкарим Алимович — «Истиқлол» санъат саройи директори ўринбосари
Қаллиев Абатбай Нағметуллаевич — Нукус маданият ва санъат коллежи ҳқитувчиси
Қурбонов Сойиб Ражабович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Латипов Жасурбек Мадаминжон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Мавлонов Саидмуҳтор Мақсудович — ЎзФА Биоорганик кимё институти лаборатория мудири
Мелиқўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси
Мирпайизев Мирбаҳтиёр Содиқович — «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири
Муродова Ҳамро Бадаловна — Қашқадарё вилояти «Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли хонандаси
Нийёзова Нилуфархон Абдулҳамидовна — «Камолот» ЁИХ Наманган вилояти Кенгаши «Камолот» газетаси муҳаррири
Нўмонов Исмоил Эргашевич — Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири
Омонова Нодира Ўрозовна — Қашқадарё вилояти Қамаш тумани тиббиёт бирлашмаси «Баландчайла» қишлоқ врачлик пункти мудири
Отенов Толеғен — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти Ботаника боғи директори
Пўлатова Зухра Давроновна — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжжатли фильмлар киностудияси етакчи муҳаррири
Ражапов Анвар Жумабаевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори
Раҳматов Аскарали Эшмуьимович — Сурхондарё вилояти Олтинсой ахборот-технологиялари ва сервис касбхўнар коллежининг махсус фан ҳқитувчиси
Рўзикулов Фахриддин Бозорович — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадий экспертиза бошқармаси назорат бўлими бош санъатшунос-назоратчиси
Рўзметова Турсунной Абдушариповна — Навоий санъат ва маданият коллежи махсус фан ҳқитувчиси
Садирова Дилдор Ҳошимовна — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси
Садуллаев Аллазар — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, кулол
Сайдиалиев Пўлат Собитович — «Ватанпарвар» газетаси адабий ходими
Сапаев Сапармат Абдуллаевич — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси «Спорт» телерадиоканали «Хабарлар» муҳарририяти бош муҳаррири
Саттиева Гулбаҳор Қодировна — Андижон тиббиёт коллежининг махсус фан ҳқитувчиси
Синдоров Аннокул Мийлиевич — Самарқанд вилояти Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси «Шована» қишлоқ врачлик пункти мудири
Султонова Зулфия Султоновна — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали кафедра мудири
Сўфиев Абдусамат Махсудович — Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси Фарғона вилоят телерадиокорпорацияси гуруҳ раҳбари
Тангирова Гулбаҳор Эшматовна — «Сурхон тонги» — «Заря Сурхана» газеталари бош муҳаррири
Ташматова Азатгул Раҳимовна — Ўзбекистон давлат консерваторияси «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси директори, доцент
Тешабоев Қахрамон Рашидович — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этиш цехининг қозғ кесиш машинаси машинисти
Толипов Шухрат Маннопович — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси артисти
Тошев Даврон Бўронович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рассом
Трошина Виктория Орьевна — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом
Узокова Санобар Тиркашовна — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси «Кавардон» қишлоқ врачлик пункти мудири
Фозилов Зулфигор Ҳусанович — Жиззах вилояти Мирзақўл тумани тиббиёт бирлашмаси «Богбон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори
Ҳаметова Камила Тахировна — «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси артисти
Ҳамидов Юсуфжон Воҳидович — «Халқ сўзи» газетаси масъул котиби
Ҳўжамбердиева Замирахон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
Ҳожиев Ҳайрулла Фуломқодирович — Тошкент вилояти Зангиота агросервис касб-хўнар коллежининг махсус фан ҳқитувчиси
Худойкулова Мукаддас Тожикуловна — Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси «Бобўут» қишлоқ врачлик пункти дояси
Ҳусанов Мирабзал Зоирович — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси
Хушвақов Луқмон — 1-сонли Республика клиник шифохонаси хирургия бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ПАХТАКОР»

Рустамова Зебихон Якубовна — Тошлоқ туманидаги «Заркент саховати» фермер хўжалиги бошлиги, Фарғона вилояти

Халимбетов Бахтиёр Юлдашович — Гурлан туманидаги «Истиқлол самар» фермер хўжалиги бошлиги, Хоразм вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ИРРИГАТОР»

Бешимов Мухаммад Бегматович — «Аму-Бухоро» машина каналдан фойдаланиш вилоятлараро бошқармасининг Олот тумани бошқармаси насос агрегатлари машинисти, Бухоро вилояти

Раимкулов Шакарбай Суханович — «Куйи Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг «Шўрўзак — Сирдарё» ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ЧОРВАДОР»

Мирзаев Балтабай Кудайбергенович — Томди туманидаги «Керизбулоқ» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

Намазов Тулкин Ибатович — Нишон туманидаги «Нишон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ПИЛЛАЧИ»

Абдуллаева Рўзихон Бозоровна — Олтинкўл туманидаги «Пилла» давлат корхонаси агрономи, Андижон вилояти

Сулаймонова Салима Абдурахмоновна — Норин туманидаги «Бош пиллаҳона» масъулияти чекланган жамияти агрономи, Наманган вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ
ХОДИМИ»

Матмуратов Кенесбай Ембергенович — «Ўзбек-геофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали отряд бошлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Разикулов Абдусамат Абдуганиевич — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрода пўлат эритиш цехи смена устаси, Тошкент вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Исмаилов Кадир Вахидович — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси комплекс бригада бошлиги, Тошкент шаҳри

Исломов Даврон — «Бинокор» қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

Кадилов Бахадир Тухтаевич — «Термиз таъминот» саноат-қурилиш корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ
ХОДИМИ»

Закиров Зоир Тажидбаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси йўл устаси, Жиззах вилояти

Рузиев Рустам Васикович — Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти «Боштранслонийҳа» акциядорлик жамияти директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА
ХОДИМИ»

Исхаков Нодир Суннатуллаевич — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали Янгиобод телефон боғламаси бош муҳандиси, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО
АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»

Харлап Геннадий Викторович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий кудратини юксалтириш, ёш авлодни она юртва муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ватанпарварлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ
БИЛАН

Абдиев Суён Мажитович — Қарши туманидаги «Абдиев Махид» фермер хўжалиги бошлиги, Қашқадарё вилояти

Аллаяров Яхшинар Норбобаевич — Самарқанд давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультети доценти, Самарқанд вилояти

Артиқов Кенжабой — «Давсувхўжаликназорат» инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори

Бердиева Зумрат Бобокуловна — Олот туманидаги «Юқори Олот» қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Ибрагимова Фарида — Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

Исмоилова Жумагул Тўлановна — Булоқбоши туманидаги «Учкўча» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Каримов Кенес Айтмурадович — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Қаршиев Абдисамат Асатович — Хатирчи туманидаги «Оқолтин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Нарджигитова Бахринсо Эгамкуловна — Гулистон тумани «Гулистон ҳаёти» газетаси бош муҳаррири, Сирдарё вилояти

Суюндиқов Равшан Худайназарович — Зарбдор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Жиззах вилояти

Умаров Иброҳимжон Саматович — Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар ва болалар хирургияси бўлими мудири

Файзуллаев Турсунбай — Наманган давлат университетини профессори, Наманган вилояти

Шарипова Мадина Каримовна — Республика «Она ва бола скрининги» маркази директори

Эргашова Хатича Исаевна — Шўрчи туманидаги «Ялти» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Байзаков Аззамжон Камолович — «Учтепадавсув-махсуспудрат» давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

Буриев Нириддин Абдуллаевич — «Ўзнефтьгаз-завтчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Жаркўрғоннефть» акциядорлик жамияти геология бўлими бошлиги, Сурхондарё вилояти

Имомова Махсуда Мамасадиковна — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг кимё цехи смена бошлиги, Сирдарё вилояти

Кадилов Камилжон — Андижон шаҳридаги «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати» масъулияти чекланган жамияти цех бошлиги, Андижон вилояти

Каримов Махсетбай Исмаилович — «Ўзгеобур-гунейфгаз» акциядорлик компаниясининг «Устюрт қидирув-бургулаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти бургуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қодиров Бозор Раимович — «Фарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси» давлат корхонаси директори, Бухоро вилояти

Мукумов Суярбай Эгамбердиевич — Жомбой тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

Назирова Дилором Носировна — Риштон туманидаги «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Нишанов Комилжон Солижонович — Мингбулоқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Наманган вилояти

Саидов Толиб Маматович — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг истиқболли тараққиёт, инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича директори, Навоий вилояти

Содиқов Пўлат Йўлдошевич — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қулов-механика заводи» шўъба корхонаси чилангари, Тошкент шаҳри

Тангриев Эркин Жавлиевич — «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонасининг маркшейдер бўлими бошлиги, Қашқадарё вилояти

Турдиев Таир Адилевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси электровоз машинисти, Тошкент вилояти

Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна — Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ
БИЛАН

Абдулаҳатов Нортжи — Шеробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

Абулкасимов Шадиҳужа Турсунович — «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамиятининг йиғув мажмуаси бошлиги, Самарқанд вилояти

Алиев Гофир Қуватович — Хатирчи тумани ҳокими, Навоий вилояти

Бабажанов Эгамберган Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Хоразм вилояти бош бошқармаси бошлиги

Жўраева Зайнабхон Дилмуродовна — Янгикўрғон туманидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Комолов Салоҳиддин — Шаҳрихон туманидаги «Тоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Махаматов Зафар Эргашбекович — «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

Махкамов Худайкул — Боёвут туманидаги «Маҳкамов Жаҳонгир» фермер хўжалиги бошлиги, Сирдарё вилояти

Мирджалалов Анвар Илясович — «Ўзбекэнерго» акциядорлик компаниясининг «4-монтаж бошқармаси» акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Тошкент вилояти

Набиев Анвархон Мадаминович — «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятининг азот кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехи бошлиги, Фарғона вилояти

Негматов Шухрат Худойбердиевич — Иштихон тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Сапаров Каллибек Узақбаевич — «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонаси цех устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хаккулов Абдуҷаббор — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятининг электродлар цехи устаси, Жиззах вилояти

Худайбердиев Аброр Жабборович — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи бошлиги, Бухоро вилояти

Худайров Асилбек Анварович — Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

Хужамуратов Зиядулла Эшқобилович — «Ўзгеобур-гунейфгаз» акциядорлик компаниясининг «Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Қашқадарё вилояти

Хусенов Шерзод Ўткирович — «Ўзгеобур-гунейфгаз» акциядорлик компанияси бош директори

Шеркулов Абдирасул Нартажиевич — «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг майдалаш бўлими тегирмон машинисти, Навоий вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Озада Хасановна — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бўлим бошлиги

Азамов Шавкатжон Бегжонович — «GM O'zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими етакчи муҳандис-технолог, Андижон вилояти

Алиев Муроджон Бокиевич — Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари

Аллакулов Панжи Эгамбердиевич — Муборак тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Амиркулов Очилди Примович — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Узун тумани таянч пункти директори, Сурхондарё вилояти

Артиқходжаев Жаҳонгир Абидович — «Артел Инжиниринг» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

Атемов Ускенбай — Юқори Чирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Ахмедов Абдулла Мухитович — «Ўзбекэнерго» акциядорлик компаниясининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиги ўринбосари

Батиров Даниёр Эгамбердиевич — Боёвут тумани ҳокими, Сирдарё вилояти

Беловол Николай Тихонович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси геология-геофизика бўлими бош геологи, Навоий вилояти

Вайсов Мураджан Сапарбаевич — Урганч шаҳридаги «Мегасфера» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Хоразм вилояти

Гарифуллина Флюра Султановна — Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламаси етакчи муҳандиси, Сирдарё вилояти

Горцунов Александр Эдуардович — «Самарқанд-нур» давлат унитар корхонаси участка бошлиги, Самарқанд вилояти

Ембергенова Оразгул Реймовна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали директори

Жололов Акмалжон Насирдинович — Олтинкўл тумани ҳокими, Андижон вилояти

Жумабоев Алишер Гофурович — «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг технологик цехи қурилма бошлиги, Фарғона вилояти

Иноғамов Асқар Ақромович — Жиззах шаҳридаги «Жиззах Пластекс» қўшма корхонаси бош директори, Жиззах вилояти

Ким Леонид Владимирович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Қалмоқир» кон бошқармаси экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

Қосимов Азамат Азимович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти директори

Мамадалиев Ғайратали Турғунович — Риштон тумани ҳокими, Фарғона вилояти

Мойлиев Абдирасул Бердиевич — «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг қозон турбина цехи бошлиги, Қашқадарё вилояти

Рахмонов Бахтиёр Султонович — Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммунал хўжалик, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Турапов Усмон Янгйбаевич — Жаркўрғон тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

Умаров Бахтиёр Ганиевич — Наманган туманидаги «Истиқлол текстиль дизайн» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Худойкулов Аваз Бўриевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 17-йўл машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

Шарахметов Шахрух Шатургунович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош бошқарма бошлиги

Юсупов Рустам Фархадович — «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
(100 ёшдан ошганлар)

Аллаберганова Фотима — Янгиариқ тумани, Хоразм вилояти

Амонова Тўхта — Шофиркон тумани, Бухоро вилояти

Бердалиев Анарбай — Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти

Ганиева Салима — Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри

Жаббарова Жумагул — Боёвут тумани, Сирдарё вилояти

Жололов Абдубарис — Балиқчи тумани, Андижон вилояти

Камалов Таштемир — Учқўрғон тумани, Наманган вилояти

Нарбутаева Бувсара — Булунғур тумани, Самарқанд вилояти

Севаров Қудрат — Касби тумани, Қашқадарё вилояти

Хўжаев Бойдада — Фарғона тумани, Фарғона вилояти

Шайманов Норқобил — Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти

Шамуратова Бегзада — Шуманай тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Шокиров Хайри — Жиззах тумани, Жиззах вилояти

Юлдашева Умит — Хатирчи тумани, Навоий вилояти

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Азиза Абдувалиевна — Пахтакор туманидаги хунарманд-тикувчи, Жиззах вилояти

Азимов Абдурасул Рахимович — Нурота туманидаги хусусий тадбиркор, Навоий вилояти

Аликулов Зокиржон Шамшиддинович — Яқкабоғ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Қашқадарё вилояти

Жумаев Жасур Алимбекович — Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, Тошкент шаҳри

Исамитдинова Зумратхон Абдуҷабборовна — Оқолтин туманидаги «Асад-Фарход-Азиз» фермер хўжалиги пиллачиси, Сирдарё вилояти

Исроиллов Қобилжон Камилевич — Булоқбоши туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

Кутлумуратов Сергей Абишович — Эллиққалъа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзабоев Шокир Хурсанович — Паркент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

Орипов Илҳом Исмоилович — Жондор туманидаги хунарманд-тикувчи, Бухоро вилояти

Тилиходжаев Аббас Музафарович — Фарғона саноат касб-хунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Хамраева Муборак Мадримовна — Хонқа туманидаги хунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

Хидиров Мусурманкул Джураевич — Ангор туманидаги «Хидиров Мусурманкул» фермер хўжалиги бошлиги, Сурхондарё вилояти

Шерматова Фатима Абдурашидовна — Тўрақўрғон туманидаги хунарманд-тикувчи, Наманган вилояти

Эсанова Дилшода Мусабековна — Пайариқ туманидаги хунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоявий мақсадларига тўлиқ мос келади

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида ўзимизга, аввало, «Ким эдигу ким бўлди», деган саволни бериб, жавоб изласак, истиқлолимиз мислсиз ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга, халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятларини яратиб бергани кўз олдимиздан ўтади.

Маълумки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни, роли ва аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, фуқароларнинг сиёсий партиялар сафларига уюшиш, демократик принциплар асосида сиёсий партиялар фаолиятини йўлга қўйиш, сиёсий партияларнинг турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаш ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузиш ҳуқуқлари белгилаб берилган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда кўппартиявийликка йўл очувчи конституциявий пойдевор яратилди.

Кўппартиявийлик ривожланган давлатлар таърибасига назар солсак, сиёсий партиялар фуқаролар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари орқали ифода этиш ҳамда рўйбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам кўппартиявийлик тизимига асосланган сиёсий хилма-хиллик ривожланишига замин яратувчи ҳуқуқий асослар шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги тегишли меъёrlар, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги,

ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг тақлиф ва истақлари, албатта, инобатга олинапти.

Шу ўринда Президентимиз кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш — биз кўзланган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратганини айтиш жоиз. Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғояларини асосида Конституциямизга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар ҳам кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга, давлат бошқарувини демократлаштиришда партияларнинг ўрни ва таъсирини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, демократик ислохотларга қизиқиш ва ишонч ортиб бораётганини янада яққол намойиш этди.

Эндиликда ҳар бир сиёсий партия Сайловдаги дастурида белгиланган мақсад-вазифаларини амалга ошириш, ўз электорати ва вакиллари хоҳиш-иродасини рўйбга

соҳа ривожланаётгани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, бандлиқни таъминлаш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш масканларини ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ана шу тамойил амалда таъминланаётганининг исботидир.

Бир эслайлик, Ўзбекистон қулай иқлим шароитларига, ноёб табиий бойликларга эга бўлишига қарамай, аҳоли жон бошига даромад, озиқ-овқат таъминоти, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни сақлаш даражаси ва бошқа масалаларда собиқ иттифокда энг охириги ўринларда турган. 1979-1989 йиллар оралиғида, яъни ўн йил мобайнида аҳолимиз 4,5 миллион кишига — 30 фоиз кўпайган, жами 20 миллион кишини ташкил этган. Республикада аҳоли ўсиши умумийтифок суръатларига қараганда уч баробардан юқори бўлган. Аммо аҳолининг бундай ўсиши шу йиллар давомида саноатда ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида иш жойларини қўпайтириш ва аҳоли ҳаёти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланмаган. Буларнинг барчаси мустақиллиқнинг дастлабки йилларида ўзининг оғир асоратларини кўрсатди, шунинг учун мамлакатимизда ижтимоий-вазирати барқарорлаштириш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чоралар амалга оширилди.

Масалан, 1989 йилнинг иккинчи ярмидаёқ аҳолининг иқтисодий, моддий аҳолини яхшилаш зарурати ҳисобга олиниб, одамларга қўшимча томорқа ер бериш масаласи кўн тартибига қўйилган. Шу орқали, авваламбор, оилаларнинг аҳолини яхшилаш, халқимиз турмушидаги қийинчиликларни енгиллаштириш назарда тутилган, албатта.

Мустақиллиқнинг дастлабки кўнлариданоқ биринчи галда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Бундан кўзланган мақсад — бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларни имкон қадар камайтириш эди.

Бугунга келиб, юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди ва у амалда ўзини оқламоқда. Жумладан, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш учун давлат бюджетидан аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил олиб бораётгани, биргина 2015 йилда бу ракам 60 фоиздан ортгани мазкур йўналишдаги кенг қўламли ишларнинг ҳаётий самарасининг. Шунингдек, бюджетда белгиланган харажатлардан

ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган маҳсус қарорлар қабул қилинмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали йўли сифатида бандлиқни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизда ҳар йили қарийб бир миллионга яқин иш ўрни яратилляпти. Иш ўринларининг барқарорлиги, замонавийлиги, юқори ҳақ тўлашиши тамойилларига алоҳида эътибор берилляпти.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш масаласи доимий эътиборимизда. Бу борада партияимиз фракцияси ташаббуси билан ҳар йили дастур ижроси бўйича парламент эшитишга ўтказилиб, иш ўринларини вақтида ташкил этиш, коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан қатор чоралар белгиланмоқда. Шу кўнларда навбатдаги парламент эшитишга ҳозирлик кўрляпти.

Ўтган давр мобайнида парламентда қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш босқичларида депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларининг роли тубдан кучайган. Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда кўл келмоқда. Фракцияимиз бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, шу йилнинг олти ойи давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган 30 га яқин қонун лойиҳаси биринчи ва кейинги ўқишларда танқидий руҳда кўриб чиқилди, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, фракцияимиз томонидан қатор тақлифлар билдирилди.

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасига партияимиз дастурига мувофиқ тарзда, аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдамини янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш, соҳага оид қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди ва уларнинг аксарияти қонунни қабул қилиш жараёнида инобатга олинди. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига ҳам фракцияимизнинг бир қатор тақлифлари билдирилди. Ҳозирда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга киритиш олдинда такомиллаштиришга доир ишлар олиб боришмоқда.

Маълумки, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, партия гуруҳларига тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахбороти

ротини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида тақлифлар киритиш ваколати берилди. Қонунга кўра, бундай тақлифлар кўриб чиқилиши шарт.

Шу каби имкониятлардан фойдаланган ҳолда, партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига кўра, 2015 йилнинг 6 ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 156 масала партия гуруҳларида, 55 масала доимий комиссияларда, 25 масала сессияларда муҳокама қилинди, хато-камчиликларни бар-тараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Ушбу йўналишдаги фаолият жараёнида айнан аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган қатор ижтимоий масалалар қамраб олинди. Жумладан, аҳолининг реал даромадлари кўпайишини кафолатлайдиган барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш, минтақалар иқтисодиёти, ижтимоий инфратузилмани комплекс ривожлантириш, аҳолига юқори даражада, мақбул ижтимоий ва коммунал хизмат кўрсатишни таъминлаш депутатларимиз эътиборида бўлди.

Партияимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳа ва ташаббуслар ҳам электоратимиз манфаатига хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз», «Кексаларимиз — ёшлар эъзози ва эътиборида», «Коллеждан — қорхонга», «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигорлигида» лойиҳалари муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Мисол учун, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида бугунги кунга 5 мингга яқин учрашув ва мулоқот, давра суҳбатлари ташкил этилди. Аҳоли турли масалалар юзасидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари 18 мингга яқин тақлиф, мулоҳаза билдирди. Уларнинг 80 фоиздан ортиги ижобий ҳал этилди. Масалан, мурожатлар асосида 5 минг нафарга яқин киши, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногирон ва уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, уларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида «Кексаларимиз — ёшлар эъзози ва эътиборида» лойиҳаси доирасида бугунга қадар 302 тадбир ташкил этилди. Улар доирасида 1000 дан ортик хонадонда кексалар ҳолидан хабар олиниб, ҳашарлар уюштирилди.

Ўйлаймики, сиёсий партиянинг ҳар бир лойиҳаси, депутатларнинг ҳар бир тақлифи, ташаббуси партия дастурий мақсадларини амалга оширишга, электорат манфаатларига хизмат қилмоғи зарур. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик тузилмалари ана шу қоидага мувофиқ иш юртимокда. Зеро, ушбу йўналишдаги ислохотлар муваффақияти ҳамада юртимизни янада тараққий эттириш эндиликда кўп жиҳатдан сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик корпуслари фаолияти самарадорлигига боғлиқ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентаро алоқалар қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламентаро алоқаларини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ масалалари муҳокама этилди

Унда хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш, ривожланган мамлакатлар парламентларининг парламентларо ҳамкорлик бора-сидаги таърибасини ўрганиш, парламентларо алоқалар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқалар, шу жумладан, парламентларо ҳамкорлик алоқаларини мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳақон ҳамжамиятида илгари суришининг самарали механизмиридан бирига айлантириш зарурлигини қайд этишди.

Парламентларо ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ривожланган давлатлар парламентларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги таърибасини ўрганиш, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг юридик таърибаси ва амалиётидан самарали фойдаланиш, шу орқали қонун ташаббускорлиги субъектлари томонидан қонун ҳужжатларини тайёрлаш сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Хайрулла Рўзметов. — Маълумот ўрнида айтиш керакки, Олий Мажлисида хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, қатор хорижий мамлакатлар парламентларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик гуруҳлари шакллантирилган. Маълумки, дунёда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга қизиқиш ортиб бормокда. Сўнгги вақтларда хорижий мамлакатлар парламент делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифи кўпайётганлигини, мамлакатимизда ўтказилган сайловларда кўллаб хорижий қулатувчилар иштирок этганини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Давра суҳбати давомида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини янада кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда Қонун ташаббускорлиги субъектлари томонидан қонун ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар лойиҳаси муҳокама қилинди.

Муҳокамалар якунида парламентларо ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда парламент дипломатиясини кенгайтириш орқали халқаро майдонда мамлакатимиз миллий манфаатларини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

Шу йилнинг олти ойи давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритилган 30 га яқин қонун лойиҳаси биринчи ва кейинги ўқишларда танқидий руҳда кўриб чиқилди, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, фракцияимиз томонидан қатор тақлифлар билдирилди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун шулар жумласидандир.

Кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида мамлакатда фаолият юритаётган турли қараш ва позицияга эга сиёсий партияларнинг табиий кураши муҳим аҳамият касб этади. Партиялараро рақобат мамлакатда турли ғоялар, фикрлар, қарашларнинг ривожланишига замин яратувчи ҳамда улар амалиётга татбиқ қилинишининг асосий механизми ҳисобланади.

Шу тариқа юртимизда ҳақон демократик тамойил ва қадриятларига мос келадиган партиялар шакллантирилди. Мухими, ўтган даврда уларнинг фаолияти изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Давлат

чиқариш учун астойдил ҳаракат қилиши, яратилган ҳуқуқий имконият ва ваколатлардан самарали фойдаланиши талаб этилади. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастурига мувофиқ тарзда кучли ижтимоий сиёсат, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан биридир. Бу тамойил негизида, аввало, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга енгиллик ва имтиёзлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар мўжасам. Мамлакатимизда ижтимоий


Кеча Яшнобод туманида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. 5 нафар иштирокчи учта шарт бўйича беллашди. Улар билимдонлик маҳоратини намойиш қилиш билан бирга, хотин-қизлар спортини ривожлантириш, касаначилик орқали уйда ўтирган вақтинча ишсиз бўлган аёллар бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда соғломлаштириш марказлари ташкил этиш каби лойиҳаларни тақдим этишди.

Якуний натижаларга кўра, 28-оилавий поликлиника ҳамшираси Дилрабо Усмонова 1-ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани кўлга киритди.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами олдидан ЎзХДП фаоллари кексалар ва фахрийларнинг ҳолидан хабар олиб, уларни улуғ айём билан кутлашмоқда.

Андижон вилоят партия кенгаши фаоллари меҳнат фахрийлари — Зулфияхон Шокирова, Носиржон Саидкамоллов ва Назиржон Саидов хонадонларида бўлиб, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, жойлардаги бунёдкорлик ишлари хусусида суҳбатлашди. Вилоятнинг барча ҳудудларида шу каби тадбирлар давом этмоқда, фахрийлар байрам муносабати билан табрикланиб, уларга совға-саломлар улашилмоқда.



Арюцунова, Рихсвий Алижонов, Мавлуд Гулямов ва Аниса Мустафина хонадонларида бўлишди. Кексаларнинг уй юмушларига ёрдамлашди.

Фахрийлар ёшларга уруш йилларида кечирган машаққатли кўнлар ҳақида ҳикоя қилиб, бугунги озод замонга шукрона айтишди, мустақилликни асраб-авайлаш, Ватанимизни севиш, кўз қорачиғидек ардоқлаш лозимлигини уқтиришди.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ПАМЕЛА СПРАТЛЕН:

ЎЗБЕКИСТОН АМАЛГА ОШИРГАН ИСЛОХОТЛАРИ САМАРАЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 19 февралда ўрнатилган. Икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий негизини олтидан бири ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Узоқ муддатли ва кўп қиррали алоқалар тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Памела СПРАТЛЕН билан суҳбатлашди.

— Спратлен хоним, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлари ҳақида нима дея оласиз?

— Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ўтган 24 йил ичида мустақил давлат сифатида амалга оширган ислохотлари самаралари билан фахрланса арзийди.

Тошкент ва Самарқанд ўртасидаги тезорар темир йўл алоқаси дейсизми, ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар дейсизми ёки ёш авлодга инглиз тилини ўргатишга қаратилаётган эътибор дейсизми, умуман, барча соҳаларда қўлга кириштирилган муваффақиятлар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётганидан далolat беради. Мамлакатингизда турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги этник ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, шунингдек, хорижий

давлатлар, хусусан, АҚШ билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик самаралари ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг изчил ривожига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида АҚШдан кўплаб нуфузли делегациялар Ўзбекистонга ташриф буюрди.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан Ўзбекистон ўртасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларини ривожлантириш ва салоҳиятини янада ошириш борасида қатор ишлар олиб боришмоқда. Элчи хонамиз ва Тошкентдаги Америка Савдо палатаси Ўзбекистон билан мустаҳкам савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда мамлакатингизга сармоя киритиш истиқотида бўлган АҚШ компания-

ларини қўллаб-қувватламоқда.

Фан ва технологиялар соҳаси ҳам АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг энг истиқболли соҳаларидандир.

— Ўзбекистонда демократияни ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикрингиз?

— Демократия интихоси йўқ, узулқиз жараён бўлиб, тўб ўзгаришлар вақт талаб этади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси, БМТнинг демократия ва фуқаролик жамиятига оид кўплаб конвенцияларини имзолаган Ўзбекистонда ушбу мақсадларга эришиш йўлида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз, бу борадаги ҳамкорлиқни изчил ривожлантиришга тайёриймиз.

Суд соҳасидаги таълимга оид алоқаларимиз фаоллашмоқда, америкалик судьялар ва ҳуқуқшунос амалиётчилар Ўзбекистонда, ўзбекистонлик мутахассислар эса АҚШда учрашувлар ўтказмоқда. АҚШ ва бошқа халқаро шериклар

ҳамкорлигида Ўзбекистонда одил судлов тизимидаги ислохотларни янада кенгайтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва суд тизимининг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди.

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтириш, иқтисодий ва ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ҳақидаги фикрингизни билдирсангиз...

— Ўзбекистонда оилавий қадриятларга ва хотин-қизларнинг оилада тугган ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатингизда хотин-қизлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқда.

АҚШ халқи ҳам, Ўзбекистон халқи ҳам эркак ва аёллар барча ҳуқуқ ва қадриятлардан тенг фойдаланиши лозим, деб ҳисоблайди. Маълумки, бу ҳуқуқларни амалиётга татбиқ этиш осон жараён эмас. АҚШ хотин-қизлари барча соҳаларда, бизнес ва таълимдан тортиб сиёсат, тиббиёт ва спортгача бўлган тармоқларда улкан муваффақиятларни қўлга киритган. Ўзбекистонга ташриф буюришимдан кўп ўтмай Хотин-қизлар қўмитасида бўлдим. Мамлакатингизда хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлар билан танишдим. Ўзбекистоннинг хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистонда кўплаб хотин-қизлар билан суҳбатлашдим. Улар фан ва техника, санъат ва маданият, сиёсат ва иқтисодиёт каби кўплаб соҳалардаги фаолиятига оид ижобий тажрибаси ва ютуқлари билан фахрланади. Биз хотин-қизлар учун яратилган бундай имкониятларни янада яхшилаш, уларнинг пухта таълим эгаллаши ва ҳаётдан тўла завқ олиши йўлида ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

— ЎзА веб-сайтида (www.uza.uz) бериб бориладиган ахборотларни қузатиб борасизми?

— Мен доимий бохабарликка интиланман. Ўзбекистонда ўтказилаётган тадбирлар ва расмий маълумотлардан хабардор бўлиш мақсадида мамлакатингизнинг расмий ахборот манбаи бўлган ЎзА веб-сайтидан фойдаланаман. Сайтингизда юртингизнинг барча ҳудудларидан тезкор материаллар бериб борилади ва мунтазам янгиланиб туради. ЎзА профессионал ва тезкор журналистлари билан фахрланса арзийди. Имкониятларингиз ва журналистларингиз сафи янада кенгайишига тилакдошмиз.

— Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз.

— Мамлакатингиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида АҚШ халқи ва элчихонамиз ходимлари номидан Ўзбекистон халқига абадий тинчлик, фаровонлик, омад ва омонлик тилайман.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

ЎзА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Меҳр инсонни улуғлайди, умрига умр қўшади, ғамини аритади. Айниқса, кексалар ғамхўрлик ва эътиборга кўпроқ муҳтож бўлади. ЎзХДП Марказий Кенгаши, ҳудудий ташкилотлари ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган тадбирларда бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кексаларни эъзозлаш — бурчимиз



Самар ҚОТЎЛАНОВ олган сурат.

Сирдарё вилоятида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ЎзХДП ва ҳамкор ташкилотларнинг иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Тадбирда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг жойларда ижросини самарали ташкил қилиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини қўлайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Алишер Равшанов.

Давра суҳбатида кексаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили Давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунинг натижасида уларнинг турмуш тарзи яхшиланмоқда. Олиб

борилаётган ислохотлар самараси улароқ фукороларнинг ўртача умр кўриш даражаси узайди.

ЎзХДП ташкилотлари, партия гуруҳлари Сайловолди дастурига мувофиқ тарзда, ҳокимиятнинг сайланма органларида давлат ҳамда жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ушбу йўналишда қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, электрорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган масалаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, сессияларга олиб чиқмоқда.

Давра суҳбатида аҳолини ўйлантираётган ижтимоий масалаларни чуқур таҳлил этиш, уларнинг ечимли юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш муҳим вазифа экани айтиб ўтилди.

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

тарбия муассасалари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим-тарбия тизимида ҳам беқиёс ислохотлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида узвий ҳамда босқичма-босқич таълим тизими яратилди. Бошланғич бўғин ҳисобланган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бунинг Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги мактабгача таълим муассасалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Мактабгача таълим муассасалари фаолияти бугун қандай бўлиши таълимнинг кейинги босқичларидаги муваффақиятини таъминлайди, — дейди тумандаги «Соёвчи» номи 9-мактабгача таълим муассасасининг мудираси, ЎзХДП аъзоси Лола Бердиева.

— Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина бизнинг муассасани олайлик, 220 нафар тарбияланувчимиз бор. Уларнинг интеллектуал лаъқатларини ривожлантиришга йўналтирилган 10 дан ортиқ тўғарак ишлаб турибди. Сузиш ҳавзаси, спорт майдончаси болалар ихтиёрида. Инглиз тили сабоқларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарбияланувчиларимиз инглиз тили бўйича туман ва вилоят босқичларида бўлиб ўтган танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Болаларимиз мусиқа ва рақс санъати ҳамда спорт соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришмоқда. Масалан, Жамшид Турсунов 6 ёшидаёқ спортнинг таэквондо тури бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Бундай истеъдодли болаларимиз кўпчилигини ташкил этади.

— Мустақиллик йилларида ҳар томонлама замонавий таълим-тарбия масканлари бунёд этилди, — дейди тумандаги «Мойчекач» номи 9-мактабгача таълим муассасаси мудираси Хурсандой Сулаймонова. — Фарзандларимизга дастлабки сабоқ ва кўникмалар бериб боришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Муассасамизнинг 12 та гуруҳидаги болаларга катта тажрибага эга 18 нафар малакали тарбиячи таълим-тарбия бermoқда.

Абдусалим МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



— Эски тузум даврида мактабгача таълим муассасалари ночор ахволда бўлганлигини яхши эслаймиз, — дейди Булунгур тумани 8-сонли кўп ихтисосли (тармоқли) Давлат махсус мактабгача таълим муассасаси мудираси, ЎзХДП аъзоси Манзура Туганова. — Илгари болалар бoғчаси деб юритиладиган масканлар болаларни кенгча овитиби ўтирадиган жой бўлган. Таълим-тарбия, тил ўргатиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун шароит йўқ эди. Моддий-техник база ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ҳозир-чи? Бу масканлардаги яратилган шарт-шароитларни кўриб, болаликка қайтишнинг келади.

Бизда асосан туғма ёки орттирилган мураккаб нуқсонли болалар тарбияланади ва соғломлаштириб борилади. Шу боис муассасамиздаги малакали шифокор ва ҳамширалар болаларни доим назорат қилиб боради. Уларнинг тавсиясига кўра, тарбияланувчиларимизни турли тўғаракларга, спорт машғуллотларига жалб қилиб бoрамиз.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚЎЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ (КОНКУРС) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «Араб филологияси» кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
2. «Эрон-афгон филологияси» кафедраси: профессор — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
3. «Туркий тиллар» кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
4. «Япон филологияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
5. «Корей филологияси» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
6. «Жанубий Осиё тиллари» кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
7. «Мумтоз филология» кафедраси: профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
8. «Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
9. «Таржима назариси ва амалиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
10. «Хитой тили ва адабиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
11. «Хитой иқтисодиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
12. «Хитой сиёсати, тарихи ва халқаро муносабатларидаги ўрин» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
13. «Инглиз тили» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
14. «Педагогика ва психология» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
15. «Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар» кафедраси: профессор — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
16. «Хорижий мамлакатлар тарихи» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
17. «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
18. «Шарқ фалсафаси ва маданияти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
19. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;
20. «МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти» кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин;

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (ранглий фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУҶЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (ранглий фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳар, Шахрисабз кўчаси, 25 уй.
Мурожаат учун: 233-44-36; 233-02-38.

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚЎЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚС сиз сўм	Бажариш муддати
Лот-40/1	Турақўрғон тумани, Турақўрғон шаҳри, «Туркистон» маҳалласида жойлашган «Баркамол авлод» болалар маркази иншоотларини ва ётоқхона биносини мукаммал қайта қуриш.	516 976 938	430 814 115	120 кун
Лот-40/2	Янгиқўрғон тумани, «Навкент» МФЙдаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал таъмирлаш.	419 178 154	349 315 128	120 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А. Темуру кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (0369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Республика йўл жаамгармаси маблагги ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади: Лот-40/1.

Танлов савдолари (тендерлар) фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади: Лот-40/2. Танлов савдоларида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари

керак: танлов савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фойздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблагнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк қаралатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари тан-

лов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортига етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уй, Тел/факс: (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи - 150 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қўйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 22-уй.

ЭЪЛОН

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

«АСКИЯ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-милосда мувофиқ қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдога тақлиф этади.

Акциялар «Elsis-Savdo» АЖнинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир донаси 5500 сўмдан соғува қўйилган.

Сотувага қўйилган акцияларнинг жами соми 576 471 дона (Устав фондининг 47,0 фоизини ташкил этади).

ШОШИЛИНГ, ИМКОНЯТИНГИЗНИ КЎЛДАН БОЙ БЕРМАН!

Мурожаат учун: «Elsis Savdo» АЖ (+998-71) 236-21-82 e-mail:elsavdo@mail.ru «Aksiya dehqon bozori» AJ (+998-71) 255-27-44. АЖ Askia2744@inbox.ru

Гувоҳнома №393. Хизматлар лицензияланган

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ

«O'ZINTERIMPEKS» АЖнинг 2015 йил 25 августдаги АХ-29/11-7619-сонли хатига асосан д/р 01/538GDA бўлган «ОПЕЛЬ ОМЕГА» русумли ҳамда «TOSHKENT GIDROMEXA-NIZASIYA QURILISH BOSHQARMASI» МЧЖнинг 2015 йил 21 августдаги 01-078-сонли хатига асосан д/р 10/958VAA бўлган «ГАЗ-31029»; д/р 10/959VAA бўлган «ГАЗ-31029»; д/р 10/947VAA бўлган «ИЖ-2715»; д/р 10/956VAA бўлган «УАЗ-469Б»; д/р 10/957VAA бўлган «УАЗ-469Б/К512/25С»; д/р 10/945VAA бўлган «УАЗ-3303»; д/р 10/952VAA бўлган «ГАЗ-5327»; д/р 10/954VAA бўлган «КАМАЗ-5410»; д/р 10/955VAA бўлган «ГАЗ-3307»; д/р 10/948VAA бўлган «КАВЗ-685»; д/р 10/949VAA бўлган «Кубань Г-1А»; д/р 10/960VAA бўлган «УАЗ-3303»; д/р 10/953VAA бўлган «АЦ 4.6-3611»; д/р 10/963VAA бўлган «УРАЛ-5557»; д/р 10/946VAA бўлган «УАЗ-5549»; д/р 10/950VAA бўлган «ГАЗ-5312»; д/р 10/954VAA бўлган «ГАЗ-5204»; д/р 10/957VAA бўлган «ТИКО» русумли автотомо транспорт воситалари, шунингдек, д/р 10/3898AA бўлган «ОДА3-9370» русумли яримтракка техникаси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилиди.

Гувоҳнома № 005357.



«ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

**улуг байрам арафасида барча
ватандошларимизни**

**Мустақиллигимизнинг 24 йиллик
шодиёнаси билан табриклайди.**

**БЕТАКРОР, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНАДА
ТАРАҚҚИЙ ЭТАВЕРСИН!**



NBU

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш
жамғармаси жамоаси**

барча юрдошларимизни Мустақиллик
байрами билан муборакбод этади!
Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларида
муваффақиятлар тилайди.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш
мақсадида маҳсулотларини ташқи бозорга олиб
чиқиш ниятидаги барча юрдошларимизга
жамғарма ва унинг вилоят филиаллари
камарбаста.

Бизнинг манзиллар:

Нукус шаҳри, Гаресизлик кўчаси, 52-уй.
Тел.: (0-361) 780-02-75.
Андижон шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 39-уй.
Тел.: (0-374) 228-48-70.
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 3-уй.
Тел.: (0-365) 223-51-74.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй.
Тел.: (0-372) 222-38-27.
Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 219-уй.
Тел.: (0-375) 221-00-77.
Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 14-уй.
Тел.: (0-436) 223-33-73.
Наманган шаҳри, Дўстлик шох кўчаси, 2-уй.
Тел.: (0-369) 223-77-88.
Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 1-уй.
Тел.: (0-366) 233-55-95.

Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 43-уй.
Тел.: (0-367) 225-06-22.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 1-«А» уй.
Тел.: (0-376) 222-74-01.
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 35-уй.
Тел.: (0-373) 781-00-14.
Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 150-уй.
Тел.: (0-362) 223-05-02.
Тошкент, Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй.
Тел.: (0-371) 252-77-20.
Ижроия дирекцияси: Тошкент шаҳри,
Фафур Фулом кўчаси, 1-уй.
Тел.: (+998 71) 244-35-29.
Факс: 244-35-28.

Эл.почта: info@nbu-export.uz www.nbu-export.uz

Хизматлар лицензияланган.

Табрик, реклама

Qishloq Qurilish Bank

жамоаси барча юрдошларимизни**Ватанимиз Мустақиллигининг****24 йиллиги билан қутлайди!****Ушбу шодиёна арафасида****Сизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этган****ҳолда, миллий валютадаги жозибадор****омонатларни таклиф этамиз:****«МУСТАҚИЛ ДИЁР»**

Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

«САМИМИЙ»

Омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

«ИСТИҚЛОЛ-24»

Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

«ФАРОВОНЛИК»

Омонатга маблағлар 9 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган
мблағлар учун ҳисобланган фойзалар
ҳар ойда тўлаб берилади.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

**«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

**ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU»
ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.КРАМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или
«MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн.АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» —
до 14, 18 и 22 метров.

Телефон:
(0-371) 262-97-78.
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17.
www.avtokran.uz
Email: cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

**AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»****ТЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ**

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР ХАЙ'АТИ:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

МАНЗИЛИМIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
10987
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 21.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5